

**Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда "Бобурни хотирлаб" деб номланган бобурхонлик кечаси бўлиб ўтди.**

## "БОБУРНИ ХОТИРЛАБ"

Тадбирда ТТА маърифат ва маънавият ишлари бўйича проректор Т.А.Бобомуродов, тиббий-профилактика факультети декани Ф.И. Саломова, тиббий-профилактика факультети маърифат ва маънавият ишлари бўйича масъул Н.Ф.Солихова, ўқитувчилар ва ўқувчилар, тиббий-профилактика факультети кафедраларининг ходимлари, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тадбирни ТТА маърифат ва маънавият ишлари бўйича проректор Т.А. Бобомуродов очиб берди.

Сўнгра ТТА нашриёт-муҳаррият ходими журналист Х.Алимов сўзга чиқиб Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди.

Тиббий-профилактика факультети талабалари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан ғазаллар ўқишди. Шунингдек, ТТАнинг даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари эса тур-

ли тилларда шоир ижодидан намуналар ижро этишди.

Тиббий профилактика факультети талабалари Пиримкул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асаридан Бобур ҳаётига оид кичик бир парча—саҳна кўринишини томошабинларга ҳавола этишди. Шундан сўнг ТТА тиббий профилактика факультети талабалари ўзларининг Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид викторина саволлари билан иштирок этишди. Бу викторина саволларига томошабинлар орасида 5 киши аниқ ва тўлиқ жавоб бердилар.

Ғолиб бўлган иштирокчилар қимматбаҳо совғалар ва "Бобурнома" китоби билан тақдирландилар.

М.Н. АСЛОНОВ

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

### Катта ўқитувчи :

Тиббий педагогика факультетига қарашли педагогика ва психология кафедраси

### Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли УАШ тайёрлаш эндокринология кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ тайёрлаш клиник аллергология ва 1-сон УАШ тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси кафедраси

Даволаш факультетига қарашли Анестезиология ва реаниматология кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

ТТА ректорати, касаба уюшмаси, асаб касалликлари кафедрасининг доценти Сайфиддин Нуриддинович Нуриддиновга рафиқаси

Адиба НУРИДДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir

**Gazeta bepul tarqatiladi**



## АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ВАТАННИ ЭЪЗОЗЛАШДИР

**"Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз".**

И.КАРИМОВ



### ҚУТЛАЙМИЗ!

*Хурматли, муҳтарама профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-қизлар. Сизларни яқинлашиб келаётган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.*

*Айтиш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамиша юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрناк олса арзийдиган талаба-қизларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Биз албатта бундай ёшларимиз билан фахрланамиз.*

*Қадрли устоз-мураббийлар, опа-сингиллар! Сизларнинг барчангизни гўзаллик ва нафосат айёмингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилаймиз. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.*

Ректорат

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизлар фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилган. Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз Фармонлари билан кўплаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ёш қизларимизнинг маънавий савиясини юксалтириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия мукофоти ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятларга яна бир далилдир. Бу мукофот кўплаб иқтидорли қизларимизни кашф қилиб, уларни янада ташаббускор бўлишга, изланишга ва янги ғоялар яратишга, улкан ютуқларни қўлга киритишга ундайди.


Фаол аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида эса икки йилдан буён «Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танлови ўтказилиб келинади. Танловни ўтказиш ва ташкилот раҳбарларини рағбатлантиришдан кўзланган мақсад ҳам кўмита тизимининг янада такомиллашуви эришиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бошланғич ташкилотларнинг жадал фаолият юритишига эришишдир. Бу ғамхўрликларга жавобан аёлларимиз бутун куч-ғайратларини ҳур Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун сафарбар этмоқдалар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни оиладаги, жамиятдаги мавқеини ошириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш — давлатимиз олдида турган энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Давоми 2-бетда.



*Онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат,  
ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.*



## АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ВАТАННИ ЭЪЗОЗЛАШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу сабабли, ҳукуматимизнинг олдида турган устувор вазифалардан бири ёшларни маънавий баркамол, ғоявий курашчан, миллат ва давлатнинг барқарорлиги ҳамда тараққиёти йўлида ўз кучини аямайдиган, миллий қадриятларини улуғлайдиган, маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган, ўзида фидоийлик ва дахлдорлик ҳиссини мужассамлаштирган инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Шу билан бир қаторда талаба-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам бизнинг олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири. Бу борада эл ардоғидаги шоир ва ёзувчилар, Зулфия мукофоти совриндорлари билан учрашувларни ташкиллаштириш — ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларини уйғотади.

Яна бир нарсаси, Ватан — оиладан бошланади. Оиланинг тинч-тотувлиги эса ёшларимизнинг нафақат ахлоқий жиҳатдан, балки ёши жиҳатдан ҳам оила қуришга тайёр бўлишларига боғлиқ. Қизларнинг жуда ёш турмушга чиқиши ва уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу борада талаба-ёшларни оила қуришга тайёрлаш мақсадида “Ораста қизлар” ва “Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил этилган бўлиб, бу мактаблар ўз иш режаларига асосан талаба-ёшларни оилага тайёрлаш бўйича қатор давра суҳбатлари, жумладан: “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари”, “Оилада соғлом руҳий муҳитни шакллантиришда оила аъзоларининг ўрни”, «Никоҳ тўғрисида нималарни билиш зарур», “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорлари», “Оила ва жамият муносабати», «Бехатар оналик. Контрацептив воситаларнинг замонавий турлари» ўтказилди.

Шу билан бир қаторда қизларимизни меҳр-оқибатли, инсонпарвар, мурувватли инсон қилиб тарбиялаш мақсадида қатор Мурувват уйлари, болалар интернатларига олиб бориш ва у ерда тарбияланаётган болаларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш инсонийлик бурчлари эканини ўқитиб борамиз. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультети ХҚК ташаббуси билан туманимизда жойлашган 2-сонли Мурувват уйида хайрия тадбирини ўтказилди.

Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онглари, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш мақсадида ички ишлар, диний қўмита вакиллари, туман ҳокимият вакиллари ҳамда Ислон университети ўқитувчилари иштирокида қатор давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 феврал №2124 сонли Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг 41-бандидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий онгини янада ошириш мақсадида ХҚК бошчилигида ТТАда таҳсил олаётган юқори босқич — 7-курс талабалари жалб этилди ва қисқа муддат ичида ТТА юқори курс талабалари ҳамда ТТА ХҚК иштирокида Тошкент шаҳри бўйича 140 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ўтказилган ушбу давра суҳбатларига жами 3000 дан ортиқ ёшлар жалб этилди. Қилинган ушбу ишлар юзасидан 10 дан ортиқ маҳалла ва ўқув муассасаларидан ташакурномалар олинди.

Юқорида амалга оширилган тадбир ва учрашувлардан қўриб турибмизки, биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Биз мамлакатимиз ва мустақиллигимиз келажагини шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўрамыз. Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказиши? Албатта, бу улғу ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

Ҳурматли аёллар, опа-сингиллар, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бола тарбиясидек масъулиятли ишингизга ривож, СИЗ ва сизнинг тимсолингизда оила аъзоларингизга соғлиқ, хотиржамлик, оилавий бахт тилаймиз. СИЗни кириб келаётган баҳорий айёмингиз билан табриклаймиз.

**Лола АБДУҚОДИРОВА,**  
Тошкент Тиббиёт академияси  
Хотин-қизлар қўмитаси  
бошланғич ташкилоти раиси



### АЁЛ

*Аёл билан мунаввар ҳаёт,  
Тил ожиздур, аёл улғу зот.  
Пойига минг таъзимдадурмиз,  
Аёл берар бизларга нажот.*

*Бахт калити аёл қўлида,  
Меҳр тўла унинг дилида.  
Бу дунёнинг устун аёл,  
Ишқ яширин унинг сўзида.*

*Таърифлашга тил  
ожиш дўстлар,  
Муштоқ уни кўришга кўзлар.  
Она, сингил, ёр учун билинг,  
Аямаймиз бу, ширин жонлар.*


*Бошим қўйсам, аёл бағрига,  
Қўмиламан, унинг меҳрига.  
Аёл билан, бахтли ҳаётим,  
Дард тушмасин, аёл бошига.*

*Қутлай бугун, синглим, аёлим,  
Қутлай бугун, онам, ҳаётим.  
Бахтимга сиз, омон бўлилар,  
Сизлар билан нурли жаҳоним.*

*Ҳар кун байрам, аёл қалбида,  
Не қилайлик, айтинг сизларга.  
Қулоқ солинг, не демоқчи у,  
Гулдай нозик аёл кўнглига.*

*Эгилади сиз учун бошлар,  
Меҳрингизла эрир бу тошлар.  
Қутлар бугун бутун эл жаҳон,  
Жоним фидо, сизга аёллар.*

**Давронбек УРУНОВ**  
**ДАВЛАТАЛИ ўғли,**  
**даволаш факультети**  
**207-гуруҳ талабаси**



Ўткир ҲОШИМОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ОНА

(“Дунёнинг ишлари” қиссасидан сатрлар)

Болалигимда онам кўп афсоналар айтиб берарди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда бадавлат бир одам ўтган экан. Унинг уйида хизматкор хотин ишларкан. Бойнинг ҳам, хизматкор хотиннинг ҳам ўн яшарлик ўғиллари бор экан. Иккаласи битта мактабда ўқиркан. Бойнинг ўғли жуда чиройли бола экан. Хизматкор хотиннинг ўғли бўлса хунук, бир кўзи кўр экан. Бир куни бой хизматкор хотинни синамоқчи бўпти. Унинг қўлига бир бош узум берибди-да тайинлабди.

— Шу узумни мактабга олиб борасан, энг чиройли болани топиб қўлига берасан, — дебди.

Хизматкор хотин мактабга борибдию узумни ўз ўғлига берибди. Буни кўриб, бойнинг жаҳли чиқибди.

— Нимага узумни ўғлингга бердинг? — деган экан. Хизматкор хотин шундай дебди:

— Дунёда менинг ўғлимдан чиройли бола йўқ, сенга хунук кўринса кўринар. Сенга бўлса энг чиройли бола шу, — дебди...

Бир вақтлар шунчаки чўпчак бўлиб туюлган бу гапларнинг тагида қанчалик чуқур маъно борлигини кейин тушундим.

Болаликдан бирга ўсган Аҳад деган дўстим бор. Иккаламиз анҳор бўйида биргалашиб эчки боқардик. Аҳадларникига боришим билан онаси дастурхонга бир коса сут, битта зогора нон келтириб қўярди-да, нуқул битта гапни қайтарарди:

— Еб олинглар, болажонларим. Менинг қорним тўқ, ҳозиргина овқатлангандим. Унинг нима учун ҳамиша “Ҳозиргина овқатланганини” эсимни таниганимдан кейин тушундим. У оғзидасини бизларга тутар экан. Ёш боланинг тасаввуридан кенг

нарсаси бўлмади. Бир куни Аҳад иккаламиз катта бўлсак нималар қилишимизни ўйлаб кетдик.

— Мен катта бўлсам, — деди Аҳад, — чиройли уй қураман. Ойимларни уйнинг тўрига ўтқазиб қўяман. Уларга ҳар куни бир коса қаймоқ, жиззали нон опкеб бераман. Ўшандан буён анча сувлар оқиб ўтди. Аҳад ўсди-улғайди, олди-га одамлар рухсат сўраб кирадиган катта лавозим ээаси бўлди. Яқинда қабулхонадаги секретаридан ижозат олиб ҳузурига кирдим. Қучоқлашиб кўришдик.

— Ойим яхшимилар? — дедим. (Мен унинг онасини “ойи” деб атардим). — Хабар олиб турибсанми?



— Ойим яхшилар. Укам билан турибдилар, — Аҳад нолиб бош чайқади. — Ростини айтсам, хабар олишга вақт йўқ. Кўриб турибсан, ишим бошимдан ошиб ётибди.

Мен унга жиззали нонни эслатгим келди-ю, индамадим. Эртасига Аҳаднинг укасиникига бордим. Ойим анча мункиллаб қопти. Сочлари оппоқ, кўзлари ҳорғин.

— Аҳаджоним ҳар куни келиб туради, — деди у кулимсираб, — бечора болам хўп меҳрибон чиқди...

Кўзимдан ёш чиқиб кетай деди. Биламан, Аҳаднинг ташвиши кўп. Аммо негадир ўша кунларни — зогорани сутга тўғраб еган кунларимни эсладим. Шунда яна бир гап хаёлимга келди. Дунёда чегара деган тушунча бор, ғоялар деган тушунча бор. Мамлакатлар чегара билан ажратилади. Инсоният ҳар хил ғоялар билан яшайди. Бир-биридан фарқ қиладиган аёллар бор. Бироқ дунёда оналар деган тушунча бўлиши мумкин эмас. Дунёда она деган ягона тушунча бор. Уни ҳеч қачон иккига бўлиб бўлмади.

Шунинг учун ҳам инсон боласи тили чиққанида энг аввало “она” — дейди. Дунёдан кўз юмаётганида ҳам “она” дейди.



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

## Эл ардоқлаган олима

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими президенти, Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида энг хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, Тошкент Тиббиёт академияси патологик анатомия кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Патологик анатомия маркази директори, Ўзбекистон Республикаси бош патология анатоми, жаҳоннинг нуфузли идоралари томонидан XX асрнинг энг кўзга кўринган 500 нафар олимларидан бири, 1998 йилнинг энг салоҳиятли аёли деб тан олинб, шифокорлик, ўқитувчилик, мураббийлик, раҳбарлик, ташкилотчилик вазибалари-ю инсонийлик, халқпарварлик, ҳақгўйлик, самимийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштира олган инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони Малика Самадовна Абдуллаҳўжаевадир.



— ТошМИни имтиёзли диплом билан 1956 йили тугатдим, — дейди Малика Самадовна. — 6 йил мобайнида талабалар илмий жамиятида фаол иштирок этганим аспирантурада жуда қўл келди. Мен илмий адабиёт билан ишлаш, тадқиқотларни изчил олиб бориш, изланиш натижаларини таҳлил қилиш, илмий мақолалар ёзиш, уларга статистик жиҳатдан ишлов беришни уддалай оладиган ҳолда аспирантурага келдим. Тақдир шамоллари мени Москвага, собиқ СССР Фанлар академияси қошидаги Мия институтининг Гистохимия тажрибахонасига олиб келди. Ўша пайтда мазкур институт собиқ Шўролар давлатида яккаю ягона, жаҳон миқёсида эса, Бонндаги Мия институтидан кейин иккинчи эди. Инсон миясини ҳар томонлама мукаммал таҳлил қилишга ихтисослашган бу катта илм даргоҳини бошқариш Англияда малака ошириб қайтган профессор В.В.Португаловнинг зиммасида эди.

Диссертациям “Онтогенезда терини ҳаракатлантирувчи нерв ҳужайраларининг гистокимёси” деган мавзуда эди. Илмий изланишларимнинг асосий моҳияти тери ва мушаклардаги асаб толалари ва ҳужайраларининг гистологик ҳамда кимёвий таркибини ўрганиш, меъёрдаги тузилишни патологик ҳолатлардаги тузилиш билан таққослаш, даволашга янгича ёндошиш услубини ишлаб

чиқиш эди. Бугунги кунда мазкур изланишларимиз асосида асаб-руҳий хасталикларни даволаш учун кўпгина янги самарали воситалар яратилган. Улар минглаб асаб хасталикларига дучор бўлган инсонлар жонига оро кирмоқда десам асло хато бўлмас.

1968 йилнинг 30 апрелида менга кўққисдан “Эртага химоянгиз бўлади” деб қолишсачи, аксига олиб Илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ҳар жойга тарқаб кетишган, ким таътилда, ким хизмат сафарида, бошқа бировлар балиқ овида ва ҳоказо. Хулласи калом, ўлда-жўлда эди. Шу куни ярим тунгача шаҳар кезиб аъзоларни эртага химояга етиб келишларини сўраб юрдим. Докторлик ишининг мавзуси “Марказий нерв тизимининг бластомогенези” эди. Химоя Москвада, Тиббиёт Фанлар академиясининг Морфология институти Илмий Кенгаши мажлисида бўлиб ўтди. Мен бу пайтда эндигина 35 ёшга кирган эдим. Малика Самадовнанинг илмий раҳбари А.П.Авцин бу ҳақда шундай ёзган эди.

“М Абдуллаҳўжаева мамлакатимизда биринчи бўлиб тажрибавий неуронеология йўналишини бошлаб берди. У тажриба йўли билан олган маълумотлар шу пайтгача нейроонкологияга доир адабиётда мавжуд бўлган айрим хато назарияларни тўғрилаб мия

ўсмаларининг келиб чиқиш сабабларига аниқлик киритди.

Химоя муваффақиятли якунланганидан кейин Малика опа яна қадрдон Тошкентга қайтиб келди. Ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг саногий йўқ эди.

Малика Самадовна ўз ҳаётида ҳамма вақт биринчиликка интилиб яшаган, ўз шогирдларидан ҳам шуни талаб қилади. Олиманинг наздида ҳаётнинг маъноси орзу-ниятлар сари интилишнинг гўзаллиги ва қудратидадир. Шунинг учун тирикликнинг ҳар бир дақиқаси, сонияси ўзининг юксак мақсадига эга бўлиши керак.

Опа хотин-қиз талабалар орасида биринчи бўлиб, давлат стипендияси соҳиби бўлган.

Патологик анатомия фани бўйича биринчи фан доктори, профессори.

Табобат фани бўйича ўзбек аёлларидан биринчи ЎзРФА мухбир аъзоси.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан чиққан биринчи ва яккаю ягона ВОЗ илмий маслаҳатчиси, эксперти ва муваққат маслаҳатчиси.

Давоми 7-бетда.

### АКАДЕМИЯМ

Эгнимда оқ либос,  
қалбимда ғурур  
Фахр туйғусидан бўлман  
масрур,  
Келажакка шундай  
боқаман мағрур,  
Дилларга жо бўлган,  
Академиям!

Кимларни бўзлатган,  
кимни излатган,  
Кимгадир жон бериб,  
масрур қувнатган,  
Бизларга ҳаётдан  
сабоқ ўргатган,  
Илмлар маскани — Академиям!

Илм излаб келган  
кўзларга боқинг,  
Шифокорнинг ширин  
сўзига боқинг,  
Юракда мангулик оловин ёқинг  
Юртим жавоҳири Академиям!

Тарихингдек буюк шараф  
ва шонинг,  
Асрларга тенгдир гўзал  
ҳар онинг,  
Янги зафарларга бошлар  
ҳар тонгинг,  
Истиқлол тухфаси Академиям!

Карамотилло УМЕДУЛЛО,  
ТТА талабаси

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кўпгина ривожланган давлатлар тараққиёт даражасига таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, яъни бу борада ўзлари яратган «Миллий модел» орқали эришганлар. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Куни кеча, Тошкент Тиббиёт академиясида юқорида айtilган фикрларнинг исботи сифатида опти ёшли шахматчимиз, тўққиз ёшгача бўлган болалар ўртасида жаҳон чемпионлари Ислонбек Синдоров ва Жавоҳир Синдоровлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир давомида академияда таҳсил олаётган шахмат сирларини пухта эгаллаган 20 нафар талабалар ҳамда ўқитувчилар ёш жаҳон чемпионларининг мастер класс услубида беллашишди.

Маълумки, яқинда Бразилиянинг Жуис-ди-Фора шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Жавоҳир Синдоров чемпионлиқни қўлга киритган эди. Мазкур турнирда Жавоҳир 8,5 очко тўплаб, тўққиз ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Унинг укаси Ислонбек Синдоров эса етти ёшгача бўлган болалар мусобақасининг сўнгги турида россиялик Николай Соловьев устидан ғалаба қозониб, 7,5 очко билан учинчи ўринни эгаллади. Ислонбек биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари билан бир хил очко тўплаган ҳолда, қўшимча кўрсаткичлар бўйича учинчи ўринни эгаллаган эди. Бўлиб ўтган маънавий-маданий тадбир талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсади жисмонан соғлом, маънан етук ёшларни тарбиялашга қаратилган. Шу каби оқилон сиёсатнинг маҳсулини Ислонбек ва Жавоҳир Синдоровларнинг жаҳон шахмат мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин. Ақл-заковат мусобақаси бўлмиш шахмат бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони унвонига эришган жажжи ўғлонларимизнинг шарафли номга сазовор бўлганлигидан фахрланмасдан, ғурурланмасдан бўладими?!

Лазизжон МАҲМУДОВ,  
Тошкент Тиббиёт академиясининг «Ижтимоий фанлар»  
кафедраси ўқитувчиси



## Orzuning bo`lmaydi so`nggi nuqtasi





Yosh farzand-misoli niholga o`xshaydi. Qay tomonga eglsa, o`sha yoqqa intilib o`sadi. Har bir insonda esa tug`ilgandayoq iste`dod bo`ladi. Lekin uning yuksalishi uchun mehr va e`tabor kerak. Bugungi kunda mustaqillik sharofati va qolaversa yurtboshimizning kelajak avlod kamoloti yo`lida olib borayotganadolatli siyosati ham yoshlar iqtidorini yanada rivojlanishi uchun imkoniyat yaratishga xizmat qilmoqda.bunga javoban yoshlarimiz sport, fan ta`lim, ma`daniyat va boshqa sohalarida o`zlarining jonbozliklarini ko`rsatib,misli ko`rilmagan natijalarga erishib kelmoqdalar.

Toshkent Tibbiyot akademiyasi talabalarini ko`rganimizdako`ngillarimiz quvonchdan yayrab, mashhur shoiraning “Bu bog`lar bir bog`lar bo`ladi hali” degan misrasi va faraxbaxsh tilaklari yodimizga tushadi. Ana shunday izlanuvchan, iqtidorli talabalardan biri TTA davolash fakulteti 1-bosqich talabasi Tuymurodova Nigoradir.

Nigora 1996-yilning 17-aprelida shifokor oilasida tug`ildi. Maktab yoshidanoq iqtidorli qizaloq ustozlarining e`tiboriga tusha boshladi. Izlanishlari, qiziqishlari tufayli ko`plab fan olimpiadalarining g`olibi bo`ldi. 2011-yilda “Bilimlar sinovi” Respublika ko`rik tanlovining mutlaq g`olibi bo`ldi. 2012-yilda “Tabiat mo`jizalari” nomli she`riy to`plami, 2013-yilda “Irsiyatning molekulyar asoslari va genetikaga oid masalalar to`plami nashr etildi. 2013-yilda davlatimiz tomonidan Zulfiya nomidagi davlat mukofoti sohibasi etib tanlandi. Mamlakatimizda yaratilayotgan ulkan imkoniyatlar samarasi bilan 2014-yilda Toshkent Tibbiyot akademiyasiga imtiyozli ravishda qabul qilindi. Nigora bular bilan cheklangani yo`q. uning 2015-yil yanvar oyida yangi “Irsiyatning molekulyar asoslari va genetikaga oid masalar to`plami” nomli kitobining 2-qismi nashrdan chiqdi. Ha,bizning Nigora ana shunday tinib, tinchimas, iqtidorli qiz. U bugun yurtimizning eng baxtli yoshlaridan biri. Biz shunday yoshlarimiz bilan faxrlanamiz.

Unr-karvon oqib o`taveradi. Uning qay bekatda to`xtashi hech birimizga ma`lum emas.ammo to`xtagan yerimizda qanday nom qoldirish o`z qo`limizda. O`zbek nomiga munosib yashaylik, toki avlodlar bizning ezgu amallarimizni yod etib yurishsin

D. HIDAYEVA,  
ma`naviyat va ma`rifat bo`limi boshlig`i





## "TOP SCIENTIFIC RESEARCH PROJECTS OF MASTERS OF TMA" КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент Тиббиёт академиясида Тиллар кафедраси томонидан "Top Scientific Research Projects of Masters of TMA" деб номланган конференция ўтказилди. Мазкур конференцияда ЎзДЖТУнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва ТТА клиник кафедраларининг IELTS сертификатига эга бўлган профессор-ўқитувчилари қатнашдилар. Конференцияни илмий ишлар бўйича проректор Ш.А. Боймуродов кириш нутқи билан очиб берди. У ўз нутқида ҳозирги ривожланиш даврида инглиз тилининг тиббиёт ходимлари фаолиятидаги тутган ўрни ҳақида фикр билдирди.

Конференцияда энг яхши илмий-тадқиқот ишлари мавзусида 13 та маъруза ва тақдиротлар тингланди. Магистрантлар ўз илмий ишларини инглиз тилида презентация қилдилар. Маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Конференция сўнгига ҳайъат аъзолари магистрантлар илмий ишларининг долзарблиги билан биргаликда уларнинг инглиз тилини билиш даражасини қуйидагича баҳолашди: 1-ўрин У. Ортиқов, 2-ўрин Т.Саидов, 3-ўрин Н. Ташматова ва Б. Эгамовларга насиб этди. Ҳолиблар диплом ва совғалар билан тақдирландилар.

**Г.Ш.ТАШМЕТОВА, Г.Ш.МИРРАХИМОВА,**  
Тиллар кафедраси катта ўқитувчилари



**Жамият ҳаёти, юксак тараққиётнинг сабаблари ва оқибатлари муносабатлари-га эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг барчаси маънавият, маънавий омиллар билан бевосита алоқадор эканлигини кўрамыз.**

Чунки, маънавият соҳиби бўлган инсон жамият билан муайян муносабатлар тизимига киргандагина инсонийлик даражасига кўтарилади. Одамлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар шаклланиши ва ривожланишига пойдевор бўлган рухий омил маънавиятдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий онгни мустаҳкамлаш, миллий мерос ва қадриятларни ўрганиш, буюк уламоларимизнинг дунё илм фани ва маданияти хазинасига ўчмас ҳисса қўшган, ёзиб қолдирган меросларини тадқиқ ва тадбиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Куни кеча Тошкент Тиббиёт академиясида "Ўзбекистон — муқаддас ватаним" мавзусида талабаларнинг IV анжумани ташкил этилди. Тадбирни академия ректори, академик Ш.И.Каримов табриклар экан ёшларга қарата "талаба-ёшлар шундай ғурур билан яшаши керакки, мен шу юрт фарзанди эканлигимдан ғурурланаман, мен Тиббиёт академиясида тахсил олаётганимдан фахрланаман, деган ғурур ва фахр туйғуси ҳаммининг онги ва шуурида бўлиши керак", эканлигини таъкидлаб ўтди. Тадбирда Олмазор туман Ёшлик шахарчаси ҳокими қатнашди ва у киши ўзларининг самимий сўзлари билан талаба-ёшларни

ҳамиша фаолликка, ватанпарварликка чорлади. Анжуманда академиянинг барча факультетлари ва академик лицейидан энг намунали, юксак тафаккур соҳиби ва бир қанча ютуқларни қўлга киритган илғор талабалар ўз маърузалари билан қатнашди. Жумладан, магистратура босқичи талабаси Р.Тўрақулов "Ўзбекистон — муқаддас ватаним ме-

## ЎЗБЕКИСТОН — МУҚАДДАС ВАТАНИМ

нинг", бакалавр босқичи талабаларидан Д.Худойберганава "Тошкент Тиббиёт академияси мамлакатимиз мустақиллигининг меваси", Н.Тўймуродова "Китоб — тафаккур хазинаси", Х.Исломова "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш асосий мақсадимиз", Б.Шарофиддинов "Ёшлар тафаккурида маънавият ва сиёсатнинг ҳамоҳанглиги", Д.Эшмуродова "Маънавий ҳаётда ахборот оқимининг ижобий ва салбий жиҳатлари", Д.Мухаммаджонова "Ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг ўзига хослиги", М.Жаҳонов, М.Қимсанов "Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати — ёшлар нигоҳида", лицей ўқувчиси У.Ҳамраева "Яшашни хоҳласанг — чекишни таш-

ла" мавзуларини ҳар томонлама кенг ёритиб бердилар. Улар берган маълумотлар лицей залини тўлдириб турган талаба-ёшлар учун ҳақиқий ватанпарварлик ғурурини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳаётга теран кўз билан боқишга ундайдиган ҳаётий фикрлар мажмуаси бўлди. Анжуман охирида ТТА ўқув ишлари проректори, профессор О.Р.Тешаев бугунги анжуман ҳаммининг ҳаётида ўчмас из қолдиришини таъкидлаб ўтди. О.Р.Тешаев иштирокчи талабаларни муносиб сертификатлар билан тақдирлади.

Биз буюк келажакка, устувор мақсадларимизга фақат маънавият ва маърифат уйғунлиги остида мафкурарий тарбия орқали боришимиз тобора ойдинлашиб бормоқда. Президентимиз И.Каримов нутқ ва маъруза-

ларида қайта-қайта таъкидлаб келаятигандек баркамол авлодни шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини қайд этадиган бўлсак, Тошкент Тиббиёт академиясида худди шундай баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятга бой, дунёқараши кенг, тафаккури бой талаба-ёшлар ватанпарварлик руҳида тарбия топиб бормоқдалар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларга қаратилган эътибор ватан равнақиға қаратилган эътибор эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

**А.А.РАЗЗОҚОВ,**  
Ижтимоий фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси

Шу кунларда юртимизнинг барча жабҳаларида ўзбек адабиётининг асосчиси, илм ва маърифат куйчиси Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда улкан давлат арбоби, қомусий аллома, мумтоз шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Мухаммад Бобур халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун даврни ташкил этадиган буюк шахслар, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндалари, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткорларидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини теран ифода эта оладиган буюк алломалардир.

Боболаримиз бутун умри давомида бемисл маънавий мерос қолдирганлар.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетида "Ўзбек адабиётининг асосчиси, илм ва маърифат куйчиси Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда улкан давлат арбоби, қомусий аллома, мумтоз шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги" муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Юртимизда ўзбек адабиётининг асосчиси, илм ва маърифат куйчиси Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда улкан давлат арбоби, қомусий аллома, мумтоз шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетида "Буюк аждодларимиз мероси — инсониятнинг маънавий бойлиги" мавзусида 2015 йил 12 февраль куни маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоий ва давлат арбоби, аллома Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг улкан, сермаъно маънавий мероси ҳақида сўз юритилди.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилган. Алишер ўн беш ёшидаёқ истеъдодли шоир сифатида халқ оммасига танилган.

Унинг деярли барча асарлари тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Шоирнинг беш дostonдан иборат шоҳ асари «Хамса»да инсон камолотининг барча масалалари қамраб олинган. «Маҳбуб ул қлуб» асарида Навоий ўз замонасидаги баркамол инсонга хос фазилатларни акс эттирган. Бу асарида 39 хил ижтимоий ғуруҳга мансуб кишиларнинг ахлоқ-одоби ҳақида сўз юритган.

Бобурнинг яратган шоҳ асари "Бобурнома" барчани мафтун этиб келмоқда. Давлат арбоби, аллома, мумтоз шоир Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг маънавий мероси юртимизнинг миллий тикланиш ғояларига хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Гулистон" журнали бош муҳаррири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва шоир Минҳожиддин Мирзо ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон, муҳаррир Муҳиддин Омонов ва ҳарбий хизматчилар, Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети ҳарбий хизматчилари ва курсантлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Гулистон" журнали бош муҳаррири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва шоир Минҳожиддин Мирзо ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон, муҳаррир Муҳиддин Омоновларнинг буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг адабиётимиздаги тутган ўрни, қолдирган маънавий мероснинг сермаънолиги ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Транспорт касб-хунара коллежи ўқувчилари томонидан намойиш этилган "Алишер Навоий" драмасидан ва "Юлдузли тунлар" асарида Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаётидан сахна кўринишлари ва Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур адабиётидан ўқилган ғазаллар барчанинг қалбида буюк мутафаккирларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада оширди.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети тарбиявий ишлар бўлими бошлиги подполковник Ш.ҲОШИМОВ

## БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ИНСОНИЯТ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ



Алишер Навоий — мутафаккир тилшунос. Унинг «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Лисон-ут тайр» асарларида туркий халқлар тилининг маънавий бойлиги таърифланган. Навоий ёш авлодга тилни тўлиқ ўргатилса, унинг акси уларнинг сўзлаш одобида ўз аксини топади деган эди, «Хайратул аброр» асарида.

Темурий ҳукмдорларнинг машҳур намояндаси, мумтоз шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур 1483 йилда Андижонда таваллуд топган.

Бобур ажойиб саркардалиги билан бирга маърифатпарвар шоҳ ва нозик дидли шоир ҳам бўлган. У ўз асарларида гўзаллиқни қуйлаган, инсонларни яхшилик қилишга, хунара, илм-фанни ўрганишга даъват этган. Инсонларга ҳурматни, меҳр-оқибат ва бошқа эзгу фазилатларни доимо улуғлаган.

